



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI  
TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUT REKTORINING

**BUYRUG'I**

2019 yil "05" 04 279 -son

Toshkent sh.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2019 йил 16 мартдаги 1/3-сонли Ҳайъат қарори  
ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳузурида 2018 йил 24 октябрь куни олий таълим соҳасини янада ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган мажлис баёнига биноан Олий таълим муассасалари фаолиятини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб модернизациялаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ишлаб чиқиш ҳолати тўғрисида"ги 1/3-сонли Ҳайъат қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ҳузурида 2018 йил 24 октябрь куни олий таълим соҳасини янада ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган мажлис баёнига биноан Олий таълим муассасалари фаолиятини бугунги кун талабларидан келиб чиқиб модернизациялаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ишлаб чиқиш ҳолати тўғрисида"ги 1/3-сонли Ҳайъат қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Институтни самарали фаолият кўрсатиши, уларнинг моддий-техника базаси ва юқори малакали ўқитувчилар таркиби билан таъминланиши, улардаги ўқитиш сифати ҳамда таълим-тарбия жараёни устидан катъий назорат қилиниши таъминлансин.

3. Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор З.А.Юлдашев ва Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Н.С.Нормахаматовларга:

3.1 **Бир ҳафта** муддатда институтни ўқув жараёнини, илмий-инновацион фаолиятини, халқаро ҳамкорлик масалалари, маънавий-маърифий ишлар, тарбия ва спорт масалалари, профессор-ўқитувчиларни малакасини ошириш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўналишларини қамраб олган аниқ таклифлар Тармоқ ишчи гуруҳларига тақдим этилсин

3.2 **Икки ҳафта** муддатда институт фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқилсин, тасдиқлансин, ва ижроси таъминлансин.

3.3 **мунтазам равишда:**

- институтнинг раҳбар ва педагог ходимлар таркибини таҳлил қилиш, уларнинг фаолиятига танқидий баҳо берилиб, хулоса чиқарилсин;

- юқори малакали ўқитувчиларни излаш, аниқлаш ва улар билан институтни

